

Алимов Зухридин – ТошДШИ,
ўқитувчи

“КИТАБ СУРАТ АЛ-АРД” АСАРИ АШ-ШОШ ВИЛОЯТИ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ МАНБАСИ СИФАТИДА

Аннотация. Мазкур мақола Тошкент воҳасининг IX асрдаги тарихий географиясига багишланган бўлиб, шаҳарларнинг жойлашуви ва шакланишининг турли босқичларини акс эттирувчи Хоразмийнинг “Китаб сурат ал-ард” асаридағи маълумотларига асосланган.

Таянч сўз ва иборалар: ал-Хоразмий, “Китаб сурат ал-ард”, “Байт ал-Хикма”, етти иқлим, “Сурат ал-Маъмун”, “Билад аш-Шош ва Тарбанд”, “Бурж ал-Хижора”, Банокат.

Аннотация. Данная статья посвящена исторической географии Ташкентского края в IX веке, отраженной в произведении Хорезми «Китаб сурат ал-ард», где приводятся сведения о местоположении и разных этапах формирования городов.

Опорные слова и выражения: ал-Хорезми, «Китаб сурат ал-ард», «Байт ал-Хикма», семь климатов, «Сурат ал-Маъмун», «Билад аш-Шош и Тарбанд», «Бурж ал-Хижара», Банакат.

Abstract. This paper investigates the historical geography of Tashkent oasis in IX century, and based on the data about the location and different stages of cities' development in the work of “Kitab surat al-ard” by Kharezmi. The map of “Kitab surat al-ard” in Central Asia, in particular, in the terms of historical geography of the region of ash-Shash. This work by al-Kharezmi was the first one among medieval geographical works, moreover, it is the one of the most ancient information about the location of the region of ash-Shash.

Keywords and expressions: Al-Kharezmi, “Kitab surat al-ard”, “Bayt al-Hikma”, seven climate zones, “Surat al-Mamun”, “Bilad ash-Shash wa Tarband”, “Burj al-Hijora”, Banokat.

Ал-Хоразмий жаҳон фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломадир. Буюк математик, астроном ва географ Муҳаммад ал-Хоразмий VIII асрнинг охири ва IX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этди.

Бу даврда қурилиш, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, дехқончилик ва бошқа соҳаларни янада тараққий эттириш учун астрономия, геодезия, геометрия каби фанларни ривожлантириш зарурияти туғилди. Ўша даврнинг илғор олимлари бу фанларнинг амалий аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиб, ал-Хоразмий эса шу олимларнинг пешқадами ва йўлбошчиси эди.

Маълумки, ал-Маъмун 809 йилдан Марвда дастлаб халифа Хорун ар-Рашиднинг ноиби, сўнг 813 йилдан бошлаб халифа бўлади ва 819 йили Бағдодга кўчади. Ал-Маъмун Марвда бўлганида ал-Хоразмийни, мовароуннаҳрлик ва хурросонлик бошқа олимларни ўз саройига жалб қилган эди. Халифа ал-Маъмун даврида Бағдодда Марказий Осиё ва Хурросондан келган бир гурух йирик олимлар ижод этган. Улар орасида ал-Хоразмий билан бир қаторда Марвдан Яхё ибн Абу Мансур, ал-Фарғоний, Холид ибн Абдумалик ал-Марваррудий, Форобдан Абул Аббос ал-Жавҳарий ва бошқа олимлар бор эди.

Бағдодда ал-Маъмун отаси томонидан асос солинган илмий марказ – “Байт ал-ҳикма” фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштириб, унга йирик давлат муассасаси тусини бериб, аввалига таржимонлик фаолиятини кенг кўламда ривожлантириди. Византия, Ҳиндистондан кўплаб китоблар келтирилиб, “Байт ал-ҳикма”нинг фаолият доираси бирмунча кенгайтирилади, унинг қошида иккита йирик расадхона: биринчиси 828 йилда Бағдоднинг аш-Шаммосия маҳалласида, иккинчиси Дамашқ якинидаги Касион тоғида 831 йилда барпо этилади. Иккала расадхонанинг ҳам фаолиятини Марказий Осиё ва Хурросондан келган олимлар бошқаради. Ал-Хоразмий бу илмий марказнинг мудири сифатида унинг фаолиятини кузатиб туради¹.

Ал-Хоразмий қаламига мансуб 20 дан ортиқ асарларнинг фақат 10 таси бизгача етиб келган. Булар “Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб” – алгебраик асар, “Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб” ёки “Қўшиш ва айриш ҳақида китоб” – арифметик асар, “Китаб сурат ал-ард” – географияга оид асар. “Зиж”, “Астурлоб билан ишлаш ҳақида китоб”, “Астурлоб ясаш ҳақида китоб”, “Астурлоб ёрдамида азимутни аниқлаш ҳақида”, “Китоб ар-руҳома”, “Китоб аттаърих”, “Яҳудийларнинг тақвими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола”. Бу асарларнинг тўрттаси араб тилида, биттаси Фарғонийнинг асари таркибида, иккитаси лотинча таржимада сақланган ва қолган учтаси ҳали топилган эмас².

Ал-Хоразмий география фанининг ривожига ҳам катта ҳисса қўшган. Унинг “Ернинг тасвири” (“Китаб сурат ал-ард”) китоби ўрта аср араб халифалигида яратилган илк ва муҳим географик асарлардан бири бўлган. Китобда муаллиф Птолемейнинг географияга оид қарашларини шарҳлаб таҳлил қилиш билан бирга бу қарашларга қатор ўзгаришлар киритиб, уларни ривожлантиради³.

¹ Малцев Ю. С. Географические представления ученых научной школы «Байт ал-ҳикма» в эпоху ал-Хорезми // Географическая карта мира ал-Хорезми по книге «Китаб сурат ал-ард». – Душанбе, 1985. – С. 21.

² Географическая карта мира ал-Хорезми по книге «Китаб сурат ал-ард». – Душанбе, 1985. – С. 47.

³ Абдухалимов Б. А. “Байт ал-ҳикма” ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти: (IX–XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). – Т., 2004. 153-б.

“Китаб сурат ал-ард” асари ўрта асрлардаги биринчи географик асар эканлиги билан муҳим аҳамиятга эга⁴.

“Ернинг тасвири” – “Китаб сурат ал-ард” китоби илмий адабиётларда ал-Хоразмийнинг “географик асари” ёки қисқача ал-Хоразмийнинг “Географияси” номи билан юритилади. Ал-Хоразмий “География”сини ўрганган тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, муаллиф “Ер тасвири” ибораси билан жуғрофий харитани назарда тутган ва шу билан бир қаторда улар асарни ал-Маъмун харитасининг тавсифидан иборат бўлганини таъкидлайдилар.

Асарнинг хижрий 428 йилда (милодий 1037 йили) кўчирилган ягона арабча нусхаси бизгача етиб келган бўлиб, бу нусха Франциянинг Страсбург университети кутубхонасида 4247-рақам остида сақланади. Асар матни Г. ф. Мжик тадқиқоти ва изоҳлари билан бирга 1926 йилда Лейпцигда нашр қилинган⁵.

Ал-Хоразмийнинг “Ернинг тасвири” (“Китаб сурат ал-ард”) китоби Аббосийлар даврида мусулмон олимларида катта таассурот қолдирган ва кенг тарқалган асарларнинг бири ҳисобланади. Китоб халифа ал-Мұйтасим даври (842–847)да яратилган деб тахмин қилинади. В. В. Бартольднинг кўрсатишича, бунинг сабаби китобда ал-Мұйтасим даврида 836 йили асос солинган халифаликнинг янги пойтахти – Сурраманрао шаҳри эсланади. Демак, асар 836 ва 847 йиллар оралиғида таълиф этилган. Ал-Хоразмий ўз асарида географиянинг асосий тушунчаларини зиж – жадваллар шаклида баён этади.

Ал-Хоразмийнинг “Китаб сурат ал-ард” асари муаллиф тарафидан маҳсус бобларга бўлинмаган. “Китаб сурат ал-ард” асарини шартли равишда олти бўлимга тақсимлаб, уларда муҳокама этилган мавзуларни қуидагича шарҳлаш мумкин: биринчи бўлимда ернинг одамлар яшайдиган (маъмур) қисмидаги шаҳарларнинг номлари етти иқлим бўйлаб, жадвалда узунлама ва кенгламалари билан келтирилади. Иккинчи бўлимда тоғлар санаб ўтилади. Учинчи бўлимда Ер куррасидаги денгизлар тавсифланади. Китобнинг тўртинчи бўлими денгиздаги оролларга, бешинчи бўлим мамлакатлар, давлат ва ўлкалар ва ниҳоят олтинчи бўлим эса Ернинг одамлар яшайдиган қисмидаги дарё ва булоқларга бағишлиланади. Ал-Хоразмий ўз асарида бош меридиан, экватор ва иқлиmlар ҳақидаги мулоҳазалар юритади ҳамда умумий ҳисобда 2402 та масканларнинг географик координатларини келтиради⁶.

Ал-Хоразмий “География”си таъсирида яратилган асарлар жумласига IX асрнинг охирида яшаб ўтган ва илмий адабиётларда шартли равишда Сухроб исми берилган муаллифнинг “Етти иқлим ажойиботлари” (“Ажаъиб ал-ақалим

⁴ Brauer Ralph W. Geography in the medieval muslim world: seeking a basis for comparison of the development of the natural sciences in different cultures. Metropolitan College of New York, 1992. – Р. 98.

⁵ Географическая карта мира ал-Хорезми по книге «Китаб сурат ал-ард». – Душанбе, 1985. – С. 47.

⁶ Абдухалимов Б. А. “Байт ал-хикма” ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти: (IX–XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). – Т., 2004. 140-б.

ас-сабъа”) китобини киритиш мумкин⁷. Муаллифнинг тўлиқ исми ва таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар сақланмаган. Асар сўз бошисида Суҳроб исми эслатилгани сабабли мутахассислар бу олимни шу ном остида қабул қилганлар⁸. Суҳробнинг асари мазмун бўйича ал-Хоразмий “География”сига шунчалик яқинки, кўпчилик олимлар яқин пайтларгача шу хусусиятига кўра уни ал-Хоразмий асарининг бирор таҳрири деб ҳисоблаганлар.

Гиппарх Ернинг одамлар яшайдиган қисмини 12 та иқлимга ажратган. Ундан сўнг Птолемей иқлиmlарнинг сонини 8 тагача камайтиради, лекин ўз “География”сида у иқлиmlар назариясига тўла риоя қилмайди, чунки географик жойларни минтақалар ва епархиялар бўйича тақсимлайди.

Географияни иқлиmlар назариясига тўла риоя этган ҳолда биринчи марта ал-Хоразмий баён қилади. У ернинг маъмур, яъни инсонлар яшайдиган обод қисмини етти иқлиmга ажратади. Ал-Хоразмий қадимги юонон олими Птолемейдан фарқли ўлароқ, минтақалар, мамлакатлар ва улардаги географик жойларни эмас, балки биринчи иқлиmdан то еттинчи иқлиmgача жойлашган жойларни тавсиф этади.

Ал-Хоразмийнинг географик рисоласи ўрта асрлардаги энг биринчи географик асар эди. Шунинг учун унинг иқлиmlар назарияси кейинги даврларда географиянинг ривожланишида катта аҳамият касб этди.

Ал-Хоразмий ҳам Птолемей каби узунликларни Капар оролларидан бошлаб ҳисоблади. Хоразмий экватордан жанубда 8 шаҳар, биринчи иқлиmdа 64 шаҳар, иккинчи иқлиmdа 54 шаҳар, учинчи иқлиmdа 59 шаҳар, тўртинчи иқлиmdа 146 шаҳар, бешинчи иқлиmdа 79 шаҳар, 6-иқлиmdа 63 шаҳар, еттинчи иқлиmdа 25 шаҳар ва еттинчи иқлиmdан шимолда 40 шаҳарнинг координатларини келтиради⁹.

Ал-Хоразмий асарининг муҳим хусусияти шундаки, у ўз моҳиятига кўра “ал-Маъмун харитаси”нинг тавсифидан иборат.

“Ал-Маъмун харитаси” ёки “Оlam харитаси” деб ном олган бу ноёб жўғрофий асар “Байт ал-ҳикма”да фаолият кўрсатган алломалар меҳнатининг самараси натижасида пайдо бўлди. “Ал-Маъмун харитаси”нинг ўзи ёки унинг бирор қисми бизгача етиб келмаган бўлса-да, бу харитани кўрган, ундан фойдаланган ўрта аср тарихчиларининг фикри мазкур хаританинг муҳим жўғрофий ёдгорлик эканидан далолат беради¹⁰. Шу ўринда “ал-Маъмун харитаси”ни ўз кўзи билан кўрган X аср тарихчи ва географ ал-Масъудийнинг

⁷ Cartography in antiquity and the Middle Ages: fresh perspectives, new methods / edited by Richard J.A. Talbert and Richard W. Unger. – Lieden–Boston, 2008. – P. 129.

⁸ Крачковский И. Ю. Избранные сочинения в 6 тт. Том 4. Арабская географическая литература. – М.–Л.: Изд-во АН СССР, 1957. – С. 97.

⁹ Булгаков П. Г., Розенфельд Б. А., Ахмедов А. А. Мухаммад ал-Хорезми. – М., 1983. – С. 168.

¹⁰ Абдухалимов Б. А. “Байт ал-ҳикма” ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти: (IX–XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). – Т., 2004. 140-б.

қўйидаги сўзларини келтирамиз: “Бу иқлиmlарнинг турли ранглар билан тасвиirlанганини мен бир неча китобда кўрганман. Шу хилдагилардан мен кўрганларнинг энг яхшиси Мариннинг “География” китобидагиси ва ал-Маъмун учун унинг замонидаги кўп олимлар ҳамкорлигида тузилган “ал-Маъмун харитаси” эди. Харитада олам сфералар, планеталар, қуруқлик ва денгизлар, одамлар яшайдиган ва яшамайдиган қисмлар ва бошқа нарсалар орқали ўз аксини топган. “Ал-Маъмун харитаси” аввал эслатилган Птолемей ва Тирлик Мариннинг “География”сидан афзалдир”¹¹. Ал-Маъсудийнинг бу сўзлари “ал-Маъмун харитаси”нинг моҳияти, таркиби ва унинг Птолемей ва Мариннинг хариталаридан мукаммаллигини англатади.

Ал-Хоразмий асари таркибидаги “Сурат ал-Маъмун” – “Ал-Маъмун харитаси” номли харита бизгача сақланмаган бўлса-да, Ганс фон Мжикнинг “Сурат ал-Арз” номли тадқиқотида унинг айrim қисмлари қайта тикланган. Австриялик шарқшунос Г. ф. Мжик харитани тиклашда Сухробнинг “Етти иқлим ажойиботлари” асаридан ҳам фойдаланган. Унинг асари тўлиқлигича ал-Хоразмийнинг “Китаб сурат ал-ард” асарига асосланган¹². Икки асардаги маълумотлар жуда ўхшаш бўлиб, Сухроб ўз асарини яратишда аксарият маълумотларни Хоразмийдан олганлигига шубҳа йўқ. Шунингдек, Хоразмий харитасининг бу нусхасини тиклашда “Китаб сурат ал-ард” китоби матнида келтирилган узунлама ва кенгламаларнинг тавсифларидан ҳам фойдаланилган.

1967 йилда ҳинд олимаси С. Р. Жафри кўп йиллик изланишлар натижасида ал-Хоразмийнинг ер харитасини тиклаш ишларини якунига етказди. “Китаб сурат ал-ард” асари матни ва асар таркибидаги зиж – жадвал кўринишидаги маълумотларининг таҳлили асосида С. Р. Жафри томонидан ал-Хоразмий меросини ўрганишда биринчи марта шу даврга қадар илм-фан учун йўқотилган ҳисобланган “ал-Маъмун харитаси”нинг кўриниши қайta тикланди. Бу тадқиқот натижасида тикланган харита Бағдоддаги “Байт ал-ҳикма”нинг олимлар жамоаси томонидан яратилган “ал-Маъмун харитаси”нинг айнан нусхаси эмас, албатта. Лекин, С. Р. Жафри томонидан амалга оширилган бу иш ал-Хоразмийнинг географик меросини ўрганишга қўшилган улкан ҳисса бўлди¹³.

Ал-Хоразмийнинг “Китаб сурат ал-ард” асари асосида қайta тикланган харитани диққат билан ўрганаар эканмиз, унда ўрта асрлардаги аш-Шош вилояти ва унга туташ ҳудудлар ҳақидаги маълумотларга ҳам дуч келамиз.

¹¹ Крачковский И. Ю. Избранные сочинения в 6 тт. Том 4. Арабская географическая литература. – М.–Л.: Изд-во АН СССР, 1957. – С. 87.

¹² Там же. – С. 97.

¹³ Aini K. S. Al-Khwarazmi and his contribution to the word culture // Al-Khwarazmi's geographical map of the world based on the book “Surat al-ard”. – Srinagar, 1985. – C.14.

Асар харитасининг Каспий денгизи вилояти ва Ўрта Осиё худудлари тасвириланган қисмида аш-Шош вилояти “Билад аш-Шош ва Тарбанд” (بلاد الشاش و طاربند) номи билан қайд этилган. Шу тариқа Ал-Хоразмий бошқа кўплаб худудларнинг номи сингари аш-Шош вилоятини ҳам ўша давргача кузатилмаган, янги ном билан атайди ва бу ерларни саклар мамлакати деб кўрсатади¹⁴. Харитадаги маълумотларга суюниб Шош вилоятининг жойлашган ўрни борасида бошқа географик асарлар ва хариталардан фарқли равишда ўзига хос ҳамда уларда мавжуд бўлмаган янги маълумотларга эга бўлиш мумкин. Жумладан, хаританинг чап тарафида Каспий денгизи тасвиirlаниб, “Баҳр Хворазм ва баҳр Журҷон ва Табаристон ва ад-Дайлам” (حر خوارزم و بحر جرجان و طبرستان والدیلم) деб номланган¹⁵. Харитада шу давргача бўлган хариталар орасида биринчи марта Орол денгизи тасвири алоҳида келтирилган, у Каспий денгизининг жанубий қисмида жойлашган номсиз кўл, яъни “батиха” (بطحه) ёзуви билан белгиланган. Хаританинг марказий юқори қисмида жойлашган “Аввали нахри Балх” (أول نهر بلخ) деб номланган кўл тасвири ва “жабал” (جبل) сўзи мавжуд ердан бошланган “Нахри Балх”, яъни Амударё Каспий денгизи яқинидаги “батиха” (بطحه) ёзуви билан белгиланган қисмига келиб қуилгани тасвиirlанган. Ўз ўрнида “Нахри Балх”га оқими давомида яна икки дарё – “Нахри ас-Син” (نهر الصبن) дарёси ва номсиз, “нахр” (نهر) сўзининг ўзи билан қайд этилган дарё келиб қуилиши акс эттирилган. “Нахри Балх” дарёсининг қуий оқимида Хворазм (خوارزم) қайд этилган бўлиб, у аш-Шош вилояти билан бир хил шимолий кенгликда акс эттирилган.

Хаританинг юқори қисмида “жабал”, яъни тоғ ёзуви билан қайд этилган ердан бошланиб, уч ирмоқ қўшилиб ҳосил бўлган яна бир дарё Каспий денгизига келиб қуилиши тасвиirlанган. Бу дарё ва унинг ирмоқларига “нахр” сўзи билангина изоҳ берилган. Унинг жойлашуви ва оқимининг йўналишига кўра Сирдарё дарёси деган хulosага келиш мумкин. Ал-Хоразмий асар матнида Сирдарёни “Наҳр Товил” деб атайди¹⁶. Дарёning координатларини келтириб, у ҳам Орол денгизига қуилишини таъкидлаган.

“Билад аш-Шош ва Тарбанд” хаританинг марказида, 42°5 кенгликда жойлашганлигини кўриш мумкин. Шимолда у “Нахри Балх”, шарқда “Бурж Ҳижора” (برج حجارة) (бу жой минорали бино тасвири билан қайд этилган), ғарбда Хворазм ва жанубда “жабал” сўзи билан қайд этилган тоғликлар ва Ахсикат ёки Ахсикас (اخسیکاث) билан чегерадош қилиб тасвиirlанган.

¹⁴ Булгаков П. Г., Розенфельд Б. А., Ахмедов А. А. Мухаммад ал-Хорезми. – М., 1983. – С. 196.

¹⁵ Буриев А. Сведения по Средней Азии в “Географии” Ал-Хорезма // Общественные науки в Узбекистане. К 1200-летию ал-Хорезми. № 7. – Т., 1983. – С. 74.

¹⁶ Булгаков П. Г., Розенфельд Б. А., Ахмедов А. А. Мухаммад ал-Хорезми. – М., 1983. – С. 207.

Харитада жойлашган манзиллар ва жой номлари билан солиширадиган бўлсак, “Билад аш-Шош ва Тарбанд” ёзуви катта ҳарфлар билан қайд қилинган ва унинг доира шаклида белгиланган маркази ҳам бошқа манзилларнига кўра йирикроқдир. Хаританинг асосий хусусиятларидан бири шуки, унда аш-Шош вилояти хаританинг “Наҳри ас-Син” дарёси “Наҳри Балх” дарёсига қўйиладиган еридан жануброқда тасвирланган. Яъни Амударё дарёси аш-Шош вилоятидан шимолда қайд этилган. Бу каби маълумот эса ўрта асрларда география билан шуғулланган араб олимлари асарларининг ҳеч бирида учрамайди. Фикримизча, ал-Хоразмийнинг бу маълумотлари Птолемейнинг “География” асарига асосланган ва ўз ҳолича сақлаб қолинган. Ўша даврда Шарқ илм-фанида ўзига хос юқори обрўга эга бўлган Птолемейнинг маълумотларини ал-Хоразмий изоҳлашга, аниқлаштиришга, тўлдиришга ва айrim ҳолларда асл ҳолида сақлашга интилган¹⁷. Харитада “Наҳри ас-Син” дарёси тасвирланган ернинг шарқий қисмида “Бурж ал-Хижора” (برج حجارة) ва “Искандария аш-шарқия” (اسکندریہ الشرقیہ) деб номланган манзиллар ва яна кўплаб далилларнинг мавжудлиги ал-Хоразмий хаританинг бу қисмини яратишда Птолемейнинг “География” асарига таянганлигини яна бир бор исботлайди¹⁸. Ҳинд олимаси Розия Жафрининг фикрича, ал-Хоразмийнинг “Китаб сурат ал-ард” асари Птолемей ишларининг арабий адаптацияси ва унга янги ҳамда замонавий маълумотларнинг қўшилган шаклидир¹⁹.

Хусусан, харитадаги маълумотлардан кўринадики, аш-Шош вилояти тасвирланган худудда яна тўртта жой номи келтирилган. Булар – (шарқдан ғарбга) ат-Тароз (الطراز), Исбижоб (اسبیجانب), Тарбанд (طاربند) ва Банокат ёки Банокас (بناكت) дир. Бу шаҳарлар ҳам “Наҳри Балх” дарёсининг жанубида тасвирланган. Бу шаҳарларнинг барчаси ўрта асрларда Шош ва Илоқ воҳасининг шаҳарлари таркибида бўлганлиги ўша давр араб географлари манбаларидан бизга маълум. IX–X асрлар риёзий жуғрофия намояндлари (ал-Хоразмий, Суҳроб, ал-Фарғоний ва ал-Баттоний) асарларида аш-Шош Сирдарёнинг қуи оқимида жойлашган мамлакат сифатида келтирилади.

Ат-Тароз (الطراز) ёки Тароз, айrim манбаларда, Қошғарийда Тироз (طراز) ва “Худуд ал-олам” асарида Тирор (طرار) шаклларида ҳам қайд этилган. Исфижоб вилоятида турклар чегарасидаги шаҳар. Исфижобдан 26 фарсах масофада жойлашган. Бу шаҳар илк бор VI аср Византия манбаларида Talluecz ёки Thallovez шаклида туркларнинг савдо маркази сифатида қайд этилган. Хитой манбаларида унинг номи Ta-lo-se, туркий тилдаги манбаларда эса Талас

¹⁷ Буриев А. Сведения по Средней Азии в “Географии” Ал-Хорезма // Общественные науки в Узбекистане. К 1200-летию ал-Хорезми. № 7. – Т., 1983. – С. 77.

¹⁸ Булгаков П. Г., Розенфельд Б. А., Ахмедов А. А. Мухаммад ал-Хорезми. – М., 1983. – С. 203.

¹⁹ Географическая карта мира ал-Хорезми по книге «Китаб сурат ал-ард». – Душанбе, 1985. – С. 69.

ёки Талос шаклида келтирилган. Бу шаҳарнинг харобалари Жанубий Қозогистондаги ҳозирги Тароз шаҳри ёнида жойлашган²⁰.

Исбижоб (**اسبیجانب**) – аш-Шош вилоятининг ислом давридаги пойтахти бўлмиш Бинкатдан 4 марта масофада жойлашган шаҳар ва вилоятнинг номи. Унинг номи бошқа манбалар: ас-Самъонийда – Исфижоб (**اسفیجانب**), Байхақий ва Қошғарийда – Испижоб (**اسپیجانب**), Қудама ва ал-Яқубийда – Исбишоб (**اسبیشاب**), Наршахийда эса Истижоб (**استجاب**) шаклида ҳам келтирилган²¹. У жуда машхур пойтахт шаҳар бўлиб, обод мадина ва рабаддан иборат бўлган. Шаҳар ҳозирги Чимкент вилоятидаги Сайрам қишлоғининг марказида жойлашган.

Тарбанд (**طاربند**) ёки Турорбанд (**طوراربند**) шаҳри аш-Шош вилоятига тобе бўлган. IX–X асрларда Турорбанд ёки Ўтрор аш-Шошнинг энг чекка шаҳарларидан бўлиб, Мовароуннахрга туташган ва у Фароб (**فاراب**) деб ҳам номланган. Ал-Истахрий, Ибн Ҳавқал ва ал-Муқаддасий маълумотларида бу шаҳар Бороб (**باراب**) номи билан ҳам қайд этилган. Беруний шаҳарларнинг координатларини ҳисоблаб чиққанда, Тарбанд, Шалжи ва Исбижобни аш-Шош вилоятига киритади. Илк ўрта асрлар шаҳри бўлган Тарбанд, қадимги турк руник ёзуви ёдгорликларида (VIII аср) Kangu Tarban шаклида эслатилади ва сўнгги асрлардаги Ўтрор шаҳри билан бир шаҳар, деб ҳисобланади²².

Банокат (**بناكت**) – аш-Шош дарёсининг бўйида, унга Илок дарёсининг қўйилиш ери қархисида жойлашган. Ибн Ҳавқалда бу шаҳар Банокат ва Фанокат (**فناكت**) шаклида берилган. Ал-Истахрий, Ал-Муқаддасий ва Беруний маълумотларида Бинокат ва Банокит шакллари учрайди. Бу шаҳар мўгуллар босқини вақтида вайрон этилган, Темурийлар даврида эса қайта тикланиб, Шоҳрухия деб аталган. Унинг харобалари Сирдарё бўйида Оҳангарон дарёсининг унга қўйилган еридан юқорироқда жойлашган бўлиб, Шарқия деб аталади²³.

Бурж ал-Ҳижора (**برج حجارة**) – харитада бу жой минорали бино тасвири билан тасвирланган бўлиб, у Тароздан шарқроқда ва Навокатдан жанубда жойлашган. Бу ҳақда Беруний ўзининг “Қонуни Масъудий” асарида шундай ёзади: “Бинкат аш-Шош вилоятининг пойтахти, туркий “Тошканд”, юонон тилида эса “Тош минора”дур”. Беруний “Ҳиндистон” асарида бу борада батафсилроқ тўхталиб, “Шош” сўзи бу шаҳарнинг туркий номланиши, яъни “Тош-канд” сўзидан олинган бўлиб, “Тош қалъа”дур. Птолемей “География”

²⁰ Ибн Ҳавқал. Китоб Китаб сурат ал-ард (Мовароуннахр) / Араб тилидан таржима ва изохлар муаллифи Ш. С. Камолиддин. – Т., 2011. 268-б.

²¹ Ибн Ҳавқал. Китоб Китаб сурат ал-ард (Мовароуннахр) / Араб тилидан таржима ва изохлар муаллифи Ш. С. Камолиддин. – Т., 2011. 265-б.

²² Камолиддин Ш. С. Ўрта асрлар аш-Шош вилояти // “Мозийдан садо” журнали. 2015 йил, 2-3-сон, 29-б.

²³ Ибн Ҳавқал. Китоб Китаб сурат ал-ард (Мовароуннахр) / Араб тилидан таржима ва изохлар муаллифи Ш. С. Камолиддин. – Т., 2011. 242-б.

асарида ҳам худди шундай маълумот келтириб, уни “Тош минора” деб атайди” деб хабар беради²⁴.

Шунингдек, хаританинг бу қисмида юқорида қайд этилган шаҳар ва жой номларидан ташқари яна кўплаб шаҳар ва марказлар ҳам тасвиранган. Хворазм (خوارزم), Самарқанд (Samarqand), Бухоро (بخارا), Балх (بلخ), Ахсикат ёки Ахсиқас (اخسيکش), Навокат ёки Навокас (نوакش), Сажистон (سجستان), Ашруста (اشروسته), Хожанд (خجندة), Жийрфат (جيرفت), ал-Қизр (القر) каби шаҳарлар шулар жумласидандир. Айрим шаҳарларнинг номлари келтирилмай, “мадина” (مدينة) сўзи билан чекланган. Харитада кўплаб тоғ тизмалари акс эттирилган, лекин улардан ҳеч бирининг номи келтирилмаган, балки “жабал” (جبل) сўзи билангина қайд этилган. “Китаб сурат ал-ард” асари хариталарида жойлашган ўрни аниқ шаҳарларни ичи бўялган қора рангли доира билан, жойлашган ўрни тўла аниқланмаган ва тахминий белгиланган шаҳарлар ичи бўш доиралар билан белгиланган²⁵.

“Китаб сурат ал-ард” асари харитаси Марказий Осиё, хусусан, аш-Шош вилояти тарихий географияси нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Юқорида таъкидлаганимиздек, Ал-Хоразмийнинг географик рисоласи ўрта аерлардаги энг биринчи географик асар эди, шу ўринда, аш-Шош вилоятининг жойлашган ўрни борасидаги маълумотларнинг ҳам энг қадимиylаридан бири ҳисобланади. Жой номларининг ёзилиши ва уларнинг жойлашишидаги айрим ноаниқликларга қарамасдан, бу харита аш-Шош вилояти тарихий географияси бўйича маълум даражада муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин, чунки унда берилган номларнинг айримлари ёзма манбаларда қайд этилмаган. Шундай қилиб, ал-Хоразмийнинг “Китаб сурат ал-ард” асари ва унда келтирилган маълумотлар бутун Шарқда география фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

²⁴ Булгаков П. Г., Розенфельд Б. А., Ахмедов А. А. Мухаммад ал-Хорезми. – М., 1983. – С. 203; Бируни. Индия. Избр. произведения. – Т.: Фан, 1963. Т. 2. – С. 271; Бируни. Канон Масъуда. Ч. 1. – С. 471.

²⁵ Джафри С. Р. Введение и интерпретация карты // Географическая карта мира ал-Хорезми по книге «Китаб сурат ал-ард». – Душанбе, 1985. – С. 71.